

Маълумки, Давлат статистика қўмитиси Нархлар статистика бошқармаси томонидан ҳар ойнинг якунида инфляция даражаси, нарх-наво кўрсаткичларига оид маълумотлар омма эътиборига ҳавола этиб борилади. Жумладан, истеъмол бозоридagi инфляция кўрсаткичлари қай даражада эканини ҳам айни шу ташкилот маълумотлари асосида осон билиб оламиз.

Инфляция даражаси қайси кўрсаткичга боғлиқ?



Ҳуш, истеъмол бозоридagi инфляция даражаси қандай шакллантирилади ва ўтган йилда маъзур кўрсаткичлар қанчали ташкил этди? Маъзур саволлар билан Давлат статистика қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Усмон Абдурашуловга юзландик.

— Сир эмаски, инфляция — бу барча товар ва хизматларга бўлган нархларнинг кўтарилишидир. Унинг уч тури мавжуд бўлиб, булар — муътадил ёки сударелувчи (йиллик ўсиш суръати 10 %дан ошмаган), юдори суръат (йиллик ўсиш суръати 10 %дан 200 %гача) ва тилеринфляция (йилгача 200 %дан юхори)дир.

Мамлакатимиздаги инфля-

ция даражаси нархларнинг ўсиш динамикасини ифодолувчи муҳим кўрсаткичлардан бири — Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ердaмида ҳисобланади. У жорий йилдаги ўртача нархларнинг ўтган йилдаги ўртача нархларга нисбати тарзида олинади. Ҳозирги вақтда ИНИ ҳисоблашда истеъмолдаги 386 турдаги товар ва хизматлар тўпламидан фойдаланилади. Булар уч йрик гуруҳ — озиқ-овқат (112 та), ноозиқ-овқат товарлари (206 та) ва хизматларга (68 та) товар ва хизматлар тўпламини ташкил қилади. Шундай қилиб, ИНИни ҳисоблаш учун истеъмол тўплами, аҳоли то-

монидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган гуруҳини ифодалайди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда ИНИни шакллантириш учун республикамиздаги 10 мингдан ортиқ савдо объектлари кузатилиб, у ердаги нарх-наволар ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда. Масалан, республика вилоятларида айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархлари орасида кўпинча тафовутлар кузатилади. Қўмитамиз томонидан мана шу тафовутлар ҳам ўрганилиб, маҳсулотларнинг ўртача минимал ва максимал нархларда сотилаётган ҳудудлар аниқланади. Аҳоли учун истеъмол бозоридagi бундай ўзгариш ва тафовутлар қизиқ албатта.

Энг муҳими, ИНИнинг ўсиши шубҳасиз инфляция даражасига таъсир кўрсатмай қолмайди. Мисол учун, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача 14,9 %га қимматлашуви умумий ИНИнинг ўсишига 6,4 фойда даражаси(ф.д.) да таъсир этди. Еки бўлмаса, ноозиқ-овқат товарлари нархларининг 12,5% га ошгани ИНИнинг 4,4 ф.д.да ўсишига олиб келди. Шунингдек, мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича нархлар ва тарифлар ҳам йил давомида ўртача 15,8 % га ошиб, натижада ИНИ умумий 3,5 ф.д.да ўсди.

Тавқидлаш жоизки, истеъмол бозоримизда фақат инфляция даражаси ошиши эмас, балки дефляция ҳолатлари ҳам кузатилиб турибди. Айниқса, маъсумий пишиқчилик даврида мева-сабзавотлар ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлашуви кузатишмоқда.